

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИ

Рузиева Лазиза Юсуфовна

Тошкент давлат шарқшунослик университети тьютори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7162144>

Аннотация: “Ўзбекистон ва Туркия муносабатлари тарихи” мавзусига қисқача маълумот. Ушбу мақолада ўзбек ва турк халқларининг азалий биродарликлари, ҳамда бу муносабатлар айниқса Ўзбекистон Республикаси мустақиллигидан кейинги босқичларда айниқса ривожланганлиги тўғрисида фикр юритилади. Кейинги 5 йил давомидаги алоқаларнинг натижаларига ҳам тўхталиб ўтилади ва Ўзбекистон Республикаси мустақиллигидан кейин Туркия билан иқтисодий маданий ва сиёсий муносабатлари очиқ берилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон Республикаси, Туркия, битим, муносабатлар, маданий, савдо-иқтисодий, стратегик, давлат.

Аннотация на статью " История узбекско-турецких отношений ".

Краткая информация по теме "История узбекско-турецких отношений". В данной статье рассматривается исконное братство узбекского и турецкого народов, а также то, что эти отношения развивались, особенно на этапах после обретения независимости Республики Узбекистан. Также будут обсуждаться результаты отношений в течение следующих 5 лет. В данной статье описываются экономические, культурные и политические отношения с Турцией после обретения независимости Республики Узбекистан.

Ключевые слова: Республика Узбекистан, Турция, договор, отношения, культурные, торгово-экономические, стратегические, государственные.

Annotation on the article "History of Uzbek-Turkish relations".

Brief information on the topic "History of Uzbek-Turkish relations". This article discusses the primordial brotherhood of the Uzbek and Turkish peoples, as well as the fact that these relations developed, especially in the stages after the independence of the Republic of Uzbekistan. The results of the relationship over the next 5 years will also be discussed. This article describes the economic, cultural and political relations with Turkey after the independence of the Republic of Uzbekistan.

Key words: Republic of Uzbekistan, Turkey, agreement, relations, cultural, trade and economic, strategic, state.

Ўзбек ва турк халқларини кўп асрлик умумий тарих, азалий дўстлик, биродарлик ва қардошлик ришталари ўзаро боғлаб туради. Ҳар икки халқ ҳам туркий тилда сўзлашадиган халқлар бўлиб, уларнинг ягона тил ва



дини, маданияти, муштарак қадриятлари ва ўхшаш урф-одатлари билан бир-бирига чамбарчас боғлаб туради.

Бу эса муносабатларнинг чуқур тарихий ва маданий илдизларга эга эканлигини кўрсатади ва икки халқ алоқаларининг ривожига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Маданий ва тарихий жиҳатдан бу икки мамлакат туркий халқлар тамаддуни ривожига ҳам муҳим ўрин тутаяди.


Туркия Республикаси Осиё ва Европа қитъалари кесишган нуқтада жойлашган мамлакат бўлиб, маъмурий ҳудудий тузилишига кўра унитар давлат, бошқарув шаклига кўра эса президент-парламент типигаги аралаш республика ҳисобланади. Конституцияга мувофиқ Туркия Республикаси демократик, дунёвий ва социал-ҳуқуқий давлат бўлсада, аҳолисининг деярли 95 фоизи ислом динига эътиқод қилганлиги сабабли, мамлакатда ислом динига нисбатан ҳурмат юқори ҳисобланади. Туркия ҳудуди расман иль деб юритиладиган 81 та вилоятга ажратилган бўлиб, ҳар бир иль ўз навбатида туманларга ажратилган. Ҳозирги вақтда бу мамлакатда 923 та туман мавжуд.

Туркия анча ривожланган мамлакат бўлиб, ўзининг иқтисодий қудратига кўра, у дунёда кучли 20 талик давлатлар гуруҳига кирувчи давлатлардан биридир. Бундан ярим аср олдин иқтисодий жиҳатдан анча қолоқ аграр давлат ҳисобланган. Ҳозирги кунга келиб Туркия тобора ривожланиб бораётган давлатга айланмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Тошкент ва Анқара муносабатлар тизимининг бундай ҳарактердаги мустаҳкам тамал тоши Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки даврдаёқ қўйилган эди. Туркия дунёдаги БМТ ташкилотига аъзо бўлган 200га яқин мамлакатлар ичида

1991 йил 16 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини биринчи бўлиб тан олиб, унинг дунё сиёсий харитасида янги давлат сифатида эътироф этилиш жараёнини бошлаб берган мамлакат мақомига эга бўлди.

Туркия Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини тан олиб, икки давлат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилгач, 1992 йил 4 март санасида “Туркия Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги Битим” имзоланиши билан иккала давлатлар ўртасидаги алоқалар расмий мақомга эришди. Ва шу билан бирга Ўзбекистоннинг тарихий Ташқи ишлар вазирлиги биноси Туркия элчихонасига ажратиб берилди ва 1992 йил апрелда Туркиянинг



Тошкентдаги элчихонаси очилди. 1993 йил январда эса Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси Туркиянинг Анқара шаҳрида ўз фаолиятини бошлади. Истанбул шаҳрида эса Ўзбекистон Республикасининг Бош консулхонаси очилган эди.

Ўзбекистон Республикасининг 1-президенти И. А. Каримов 1991 йил декабрда, 1994 йил июнда ва 1997 йил ноябрда расмий ташриф билан Туркияда Республикасида бўлди. 1998 йил октябрда Туркия Республикаси ташкил қилинганлигининг 75 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этди. Ўз навбатида, Туркия Президентлари Турғут Ўзал, С. Демирел ва бошқа давлат арбоблари бир неча бор расмий ташриф билан Ўзбекистонга келдилар. Ана шу ташриф ва мулоқотлар натижасида икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг шартномавий ҳуқуқий асослари яратилди

Булар орасида хусусан, 1996 йил 8 майда марҳум президентлар И. А. Каримов ва Сулаймон Демиреллар томонидан имзоланган “Абадий дўстлик ва ҳамкорлик шартномаси” муҳум ўринга эга ва ҳозирда ҳам муносабатларни шакллантирган ҳужжатлардан бири бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси 1-президенти Ислам Каримовнинг 2000 йил сентябрда Туркия Президенти Аҳмет Нецдет Сезер билан БМТнинг “Минг йиллик” саммити доирасидаги учрашуви икки томонлама алоқаларда муҳим аҳамият касб этди. 2003 йилда Туркия Бош вазири Ражаб Таййип Эрдуғон Ўзбекистонга келди. Ташриф давомида яна бир қанча ҳужжат имзоланди. Жумладан, халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик ва дипломатик паспорт эгалари учун визаларни бекор қилиш ҳақида ҳукуматлараро битим тузилди. Ўзаро алоқалар халқаро ташкилотлар доирасида икки давлатнинг парламентлари ва вазирликлари ўртасида ҳам давом этди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисидаги битимлар билан мувофиқлаштирилди. Икки томон ўртасида божхона тўловларига нисбатан энг кўп қулайлик бериш тартиби кучга кирди.

Туркия президенти Ражаб Таййип Эрдуғон 2016 йил 17-18 ноябрь кунлари Ўзбекистонга ташрифи билан икки томонлама алоқаларда тамоман янги саҳифа очилди. Ўзбекистон Республикаси президент Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 25 октябрда Туркияга амалга оширган ташрифи чоғида икки давлат ўртасидаги алоқалар “Стратегик шериклик” даражасига кўтарилди. Туркия президенти Ражаб Таййип Эрдуғон 2018 йил 29 апрель–1 май




кунлари Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифида имзоланган Қўшма баёнот билан икки давлат ўртасида Олий даражадаги стратегик ҳамкорлик кенгаши ташкил этилди ва бу билан стратегик ҳамкорлигимиз ўзига хос заминга эга бўлди. 2018 йилда янги мулоқот формати – олий даражадаги Ўзбекистон-Туркия стратегик ҳамкорлик кенгаши тузилди. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 19-20 февраль кунлари Туркияга амалга оширган расмий ташрифида Олий даражадаги стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши ўтказилди ва бу муносабатларнинг янада мустаҳкамланишининг бир кўриниши бўлди.

“Ўзаро ҳурмат ва умумий манфаат” тушунчаси асосланган алоқаларнинг асосини савдо-иқтисодий ҳамкорлик ташкил этмоқда. Ўзбекистон ва Туркия ўртасида ўзаро савдо ҳажмининг жадал ўсиши натижасида 2021 йилда Туркия Ўзбекистоннинг тўртинчи ташқи савдо шеригига айланди. 2021 йил якунига келиб Ўзбекистон ва Туркиянинг умумий ташқи савдо кўрсаткичи 2016 йилга нисбатан 3 баробар ўсиб, 3 млрд. 388 млн. долларга етди. Яқин истиқболда мазкур кўрсаткичларни 5 млрд. долларга кўтариш режалаштирилган.

2021 йилда Ўзбекистондаги турк фирмаларининг сони ва туризм статистикаси пандемия шароитларига қарамай жуда тез ривожланиб, ўз тарихидаги энг юқори даражани кўрсатди. Қолаверса, 2021 йил якунларига кўра, Туркия Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя киритган давлатлар учлигига кириб,

2021 йилнинг ўзида жами 1,18 млрд. доллар миқдорида сармоя киритган. Мамлакатлар ўртасидаги кўп томонлама ва минтақавий ҳамкорлик ҳам қувонарли даражада. Ўзбекистоннинг 2019 йилда Туркий Кенгашга иштироки бутун Туркий дунёнинг умумий қувончи ва ютуғи бўлди. Ўзбекистон Республикаси президент Ш.Мирзиёевнинг иштирокида 2021 йил 12 ноябрда “Умумий кенгаш”нинг Истанбул шаҳрида саккизинчи саммити бўлиб ўтди. Бу саммитда “Умумий кенгаш” “Туркий Давлатлар Ташкилоти” номига ўзгартирилди. Мазкур ташкилотнинг биринчи саммитини 2022 йилда Ўзбекистонда ўтказилиши тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши, Ўзбекистоннинг дунё бўйича халқаро нуфузи ошишига сабаб бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти, Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти каби халқаро ташкилотларда ҳам икки давлатнинг умумий қарашлари мавжудлиги муносабатлар муштараклигининг исботидир.



Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркия президенти Ражаб Таййип Эрдоғон 2022 йилнинг 29–30 март кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Ўзбекистон ва Туркия президентлари икки давлат ўртасидаги муносабатлар мақомини “кенг қамровли стратегик шериклик” босқичига кўтаришга келишиб олишди. Икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида томонлар шерикликни, шу жумладан савдо ва иқтисодий, инвестициялар, транспорт, тўқимачилик, энергетика, қишлоқ хўжалиги, маданий-гуманитар алмашинув каби соҳаларда алоқаларни янада кенгайтиришнинг устувор йўналишларига батафсил тўхтаб ўтилди. Халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистондаги ислохотлар борасида ҳамкорликни мустақамлаш, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий қилиш, фан, таълим, санъат, кино, туризм ва ахборот соҳаларидаги алоқаларни чуқурлаштиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни янада мустақамлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3363-сонли қарорига асосан стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари янада мустақамланди. Савдо-иқтисодий ва қўшма инвестиция лойиҳалари бўйича ҳамкорликни янада кучайтириш, бу борада товар айирбошлашни кўпайтириш йўлида муҳим қадамлар ташланди.

Бугунги кунда “Тараққиёт стратегияси” маркази ҳамда Туркиянинг Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар фонди (SETA), Туркиянинг Стратегик фикр институти (SDE), Туркия Маданият ва туризм вазирлиги ҳузуридаги Хориждаги турклар ва қардош жамоалар бошқармаси (ҲТВ), Анқара инқироз ва сиёсат масалалари бўйича тадқиқотлар маркази (ANKASAM), Истанбул тижорат университети, “Соҳибқирон” номидаги Стратегик тадқиқотлар маркази (SASAM), “Мармара Групп” ижтимоий ва стратегик тадқиқотлар фонди, Турк ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА), Туркия Президенти ҳузуридаги Стратегия ва бюджет бошқармалари ўртасида фаол ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.

Ўтган 30 йил давомида сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ҳарбий ва ҳарбийтехникавий алоқалар, терроризм ва наркотик моддалар савдосига қарши кураш, ҳуқуқий ёрдам, соғлиқни сақлаш, транспорт, сайёҳлик, маданият ва бошқа соҳаларда имзоланган кўплаб халқаро шартнома ҳужжатлари алоқаларнинг муҳим ҳуқуқий асоси бўлди.

Шу ўринда ўтган давр мобайнида икки мамлакат ўртасидаги биродарлик ва қардошлик руҳидаги ҳамда ўзаро иқтисодий манфаатлар устуворлиги асосида шаклланаётган алоқалар тизимидаги ўзгаришларни сарҳисоб этсак, бу муносабатлар янги шакл ва мазмун касб этиб бораётганлигига гувоҳ бўламиз.

Ўзбекистон ва Туркия давлатлари орасида имзоланган ҳужжатлар, икки давлат ўртасидаги муносабатлар ва қардош халқларнинг дўстлигини ҳар томонлама ривожланишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Фойдаланган адабиётлар:

1. “Ўзбекистон ва Туркия: ўзаро ишонч ва дўстликка асосланган ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.” Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган мурожаати. 17.12.2017.
2. Косимов А. Ҳозирги Туркия. Тошкент Ўзбекистон 1992 й.
3. Ўзбекистон энциклопедияси.
4. Ўзбекистон тарихи 1-қисм. (Ўзбекистон Миллий Университети ўқув қўлланма) Тошкент 2020 й.
5. interkomitet.uz
6. iiv.uz
7. navbahor.uz
8. religions.uz
9. yuz.uz
10. mineconomy.uz

